



HAFTANING CHORSHANBA KUNI CHIQADI

1996 yil dekabrda chop etila boshlagan

## Фаолият

# МАТБААЧИЛИГИМИЗ ЕТАКЧИСИ

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси — 80 ёшда!

Сир эмаски, матбаачиликдан, босмахонадан гап кетса кўз олдимизга "Шарқ" босмахонаси келади. Турли йилларда матбаа соҳасига карвонбоши бўлиб келган босмахона айти кунларда 80 йиллигини нишонламоқда. Бир қарашда 80 йиллик йул инсон умри учун узокдек туюлса-да, маълум соҳа учун арзирли вақт ҳисобланмайди. Хартугул, бизга шундай туюлади. Аммо ўша вақт қанча бўлишидан қатъий назар кўп доғули даврларни кўрган бўлса-чи? Тараққиётнинг шиддатли буронига дош бериб, ҳар хил "сиёсат"лар қомига фарқ бўлмаган бўлса-чи? Юбилей арасида ҳар бир матбаа соҳасига жиндай эътиборли кишининг ҳаёлидан айти фикр ўтса ажабмас. Зеро,

бугун матбаачилик ҳаётнинг узвий бир қисми бўлиб қолаётир. Айти кунларда "Шарқ" нашриётига эътибор қаратар эканмиз, у акциядорлар қўлига берилди. Мулкни давлат монополиясидан чиқаришда катта қадам ташланди. Инсониятнинг кўп йиллик таърибидан аёнки, жамоа мулкига муносабатдан кўра хусусий мулкка муносабат мулкнинг сақланиши, қафолати, унинг ортидан келадиған фойдаси кўпроқ. Демак, "Шарқ"чилар янаям тўғри, илдам одимлашмоқда. Бу дегани сифат ўзгаришлари рўй беради, газетларимизнинг шакл-шамойили, сифати ўзгачароқ бўлади дегани. Шу ўринда яна бир гап. Назаримизда, бугунги кун

талабларидан келиб чиқиб "Шарқ" газетлар билан молиявий харажатлари яна бир марта "келишиб" олса ажабмас. Чунки юртимиздаги етакчи корхоналардан бири сифатида нашрлар "Шарқ" билан муомала қиладилар. Дарвоқе, босмахона хиди анкиб турган "Буёқ Турон, 41"да тунов кунни ош тортилди. Каттаю кичик "Шарқ"нинг раванқини тилаб, фотиҳага қўл очишди. Ҳамкасбларимиз қўлларидан келганича матбаачиларни қутлашди. Келинг, гапни қисқа қилайлик, "Шарқ"чиларни юбилей билан қутлайлик. "Шарқ"чилар, сизнинг байрамингиз — матбаачилигимиз байрами. Илойим, шу байрам ҳаммамизга муборак бўлсин.

Абдуғани ЖУМА фотоси



Оналар ва болалар

## Ҳафта воқеалари

Тошкентда зўр шодиёналар билан ўтган Наврўз айёмида Президент Ислом Каримов республикаимиз халқини байрам билан қутлади

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Қахрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповни атоқли шоиримиз таваллудининг 60 йиллиги муносабати билан қабул қилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Оксарой қароргоҳида Туркия Буёқ Миллат Мажлиси раиси Умар Изгини қабул қилди

## Мулоҳаза

# КИМ ЖАВОБГАР

Муаллифми ёки таҳририят?

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин барча соҳалар каби журналистикада ҳам тубдан янгиланиш жараёни янги бериб. Оммавий ахборот воситаларининг "тўртинчи ҳокимият" даражасида иш юритиши йўлида кўзга кўринарли ишлар амалга оширилди. ОАВ тўғрисида парламент ва ҳукуматимиз томонидан бешта қонун, ўнлаб қарорлар қабул қилинди. Бу қонун ва қарорлар ОАВнинг демократик ҳаётга соҳа хуқуқий асосларини белгилаб берди. Бироқ ҳозир ҳам журналистларимизнинг ОАВ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини яхши билмасликлари ҳақидаги фикрлар баъзи-баъзида янграб турибди. Бу мулоҳазаларнинг нотўғри чиқишини қанчалик истамайлик, мажбур фикрларнинг қисман бўлса-да тўғри эканини кўрсатувчи мисоллар учраб қолмоқда.

Хозирда газета саҳифаларининг охириги бетидида "Материаллардаги рақамлар ва далиллар ҳаққончилиги учун мақола муаллифлари жавобгардирлар" деган қабилдаги сўзларнинг бўлиши кўпчилик учун оддий ҳолга айланб қолган. Бу ҳолатни "Маърифат" ("Рақамлар ва далиллар ҳаққончилиги учун мақола муаллифлари масъулдир"), "Фидокор" ("Реклама ва эълонларнинг мазмуни, факт ва рақамлари учун таҳририят жавоб беради"), "Инсон ва қонун" ("Факт ва далиллар таърифи учун масъулият муаллиф зиммасидадир"), "Соғлом авлод" ("Далил ва рақамлар ҳамда воқеа ва ҳодисаларнинг талқини учун муаллифлар масъулдирлар") каби марказий газеталарда учратиш мумкин. Ҳўш, бу ерда қандай хато ёки камчилик бор дейишимиз мумкин. "Ахборот олиш қафолатлари ва эркинлиги тўғрисида"ги Қонуннинг "Ахборотнинг тўғрилigi учун жавобгарлик" деб аталган 11-моддасида: "Оммавий ахборот воситалари эълон қилинаётган ахборотнинг тўғрилigини текшириб қўришлари шарт ва улар ахборот берувчи билан биргаликда унинг тўғрилigини учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар", — деб ёзиб қўйилган. Демак, ҳақиқий демократик журналистикада қонунчилик факт ва далилларнинг бўлиши мумкин эмас, албатта. Агар бундай ҳолат бўлган тақдирда, аввало муаллиф ўз материалларида нотўғри ва ишончсиз далиллардан фойдалангани учун айбдор ҳисобланади. Шу билан бирга мажбур қонунга бундан ахборотнинг тўғрилigини текшириб қўригани учун таҳририят ҳам журналист билан баб-баравар жавобгар бўлади.

"Постда" газетасида эса янада ўзгачароқ манзарани кузатиш мумкин. Газетада "Мақолаларда келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар, шунингдек, очик эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумот учун муаллиф жавобгар ҳисобланади", — деган сўзларни учратиш мумкин. Бу ёғи қизиқ бўлади-ку! Очик эълон қилиниши мумкин бўлмаган ахборотни таҳририят эълон қилса-ю, бунинг учун фақат журналист жавобгар бўлса? Албатта, кўпчиликка маълум қилиш мумкин бўлган маълумотларни ёзгани учун муаллиф ўз ўрнида жавобчин беради. Бироқ бу таҳририят жавобгарлиқдан соқит бўлади дегани эмас. "ОАВ тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддасида: "ОАВдан ... давлат сирин ёки қонун билан қўриқланадиган ўзга сирин ошқор этиш ... мақсадида фойдаланишга йўл қўйилмайди", — дейилган. Демак, бунинг учун фақат журналист эмас, шундай ахборотни эълон қилгани учун ҳар бир ОАВ ҳам қонунга мувофиқ жавобгарликка тортилди.

Бу каби ҳолатлар юз бермаслиги учун, аввало журналистларимизга ўз ҳуқуқ, эркинликлари ва мажбуриятларини яхши билишлари, бошқача қилиб айтганда, ОАВ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини синовлик билан ўрганиб чиқишлари шарт. Чунки фақат қонунчиликни чуқур ўрганган журналистика ҳақиқий "тўртинчи ҳокимият"ни бунёд этади.

Собиржон ЕҚУБОВ,  
ЎЗМУ журналистика факультети толиби

## Ишонч

# ДАРДИМИЗГА МАЛҲАМ БЎЛГИН

Ассалому алайкум, менинг сеvimли газетам, ҳақиқат ва адолатнинг тоилмас тарғиботчиси! Сенинг саҳифаларингга қанчалик озиқиб қутилишимни билсанг эди! Айнакча, ноҳақликка барҳам бериб, адолат тантана қилишига ишдоқчи сатрларингни қўзғайлик суртгим келади.

Яқиндагина Сайхунбод туманида содир этилган "раис ал-машаритиш" уйинини шунчалик ошқора эъбосанки, сендаги до-вораклик, ҳақиқатпарварликка бош эгишдан бошқа иложим йўқ.

Менинг сеvimли газетам! Агар имконинг бўлса, биз томонга — Чўстга ҳам бир қадам раидада эгил.

Агар малол келмаса, "Собчак" раис номи билан машҳур Эркин ака билан келиб мулоқот ўтказсанг, менимча, қаршилик қилмайди. Чунки туманга сенинг ҳақиқатпарвар газетам эканлигини доврўғини шу одам танитган. Ун тўрт йил шу раис раҳбарлигида ишлаган ширкат аъзолари, бригада бошлиқлари, мутахассислар ва у кишининг шогирдлари билан фикрлашсанг, дунёда яна битта ноҳақликка барҳам бериб, бизнинг яраланган юракларимизга малҳам қўйган бўлардинг.

ЧўСТЛИК МУҲЛИСЛАРИНИГ

## Нашр

# НАВҚИРОНЛИК НАМОЙИШИ

Наврўз айёми юртимизда зўр ифтихор ҳисси билан нишонланаётган кунларда пойтахтимиздаги газеталар тахлам-тахлам бўлиб турадиган дўқонлар нархи 450 (тўрт юз эллик) сумлик ажойиб бир газета билан беэлади. Мундоқ қараганда аллақайси фалоншадан келган газет эълон керак-да, деган ўй-ҳаёлидан ўтиши биланоқ илк саҳифадаги замонавий дизайн, қўзни қамаштирадиган миллий фотосуратлар, ўзбекча лавҳалар ҳаёлидан иштибоҳни тарқатиб юборади. Газетанинг "Қишлоқ ҳаёти" эканини кўриб, "Бўларкан-у, азаматлар!", дейишимизга эришамиз. Силлиқ қорғозда ўта нозик дид билан (илк саҳифада) чоп этилган Юртбоши суратига кўз югуртириб газеталаримизнинг ҳаммаси шунақа

бўлишини истаб қоласиз. Келинг, шу ерда лирик чекиннига ўхшаган бир нарса қилиб олайлик. Бугун газетларимизнинг қай аҳволда, қай қиёфада чиқиши ҳаммамизга қандай равшан. Матбуотда йилгилб қолган муаммонинг ўзи ҳақида бир мустақил нашр таъсис этиш мумкин. Ана шунақа бир шарафидида "Қишлоқ ҳаёти"нинг том маънода гузал чиқиши, назаримда, биз газетчиларнинг ўзини ҳавас-ҳасад туйғусини қитқилаб ўтди. Ахир бунақаси кам бўлади...

Газетни варақлар экансиз, бармогингизга алланечук роҳат бағишлайдиган қоғозлардаги мақолалар, рекламага соҳа табригу қўлловлар эътиборингиздан четда қолмайди. Урта саҳифадаги Абдулла ақининг шеърларидаги "фақатгина халқ яшар,

фақатгина қолур халқ" деган ширраларини ўқир экансиз, ширимизнинг ҳақиқий қахрамон эканлигига яна бир марта амин бўласиз. Шоир Эркин Воҳидининг "Ўзанини топаётган дарё"си шундай самимийки, ҳайратланишдан бошқа чора йўқ. Адабиётимизнинг забардаст олимни Озод Шарафуддиннинг "Ҳазрати деҳқонга эҳтиром"и эса инсон кўнглида узок ўтмишини бугунги кун билан қўйсини жонлантиради. Саҳифалардаги ранг-баранг суратлар "наҳотки, ўзимизда..." деган саволларни беришга мажбур қилади. "Қишлоқ ҳаёти" яшариш фақатгина ўзининг навқиронлигини, яшарганини намойиш қилди. Илойим шу намойиш абадий бўлсин.

Тилла БОЛА

# ҲАМКАСБЛАРИНИГ ҚУВОНЧУ ТАШВИШЛАРИ

"Ўзбекистон матбуоти"да

Биз учун сеvimли ва қадрдон бўлиб қолган "Ўзбекистон матбуоти" журналининг нафис безаклар билан жи-лоланган наватбадаги сони босмадан чиқди. Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигини нишонлашга тайёрларлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори журналининг илк саҳифасидан ўрин олган.

Маълумки, бу йил "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари ташкил топганига 10 йил тўлди. Ҳамкасбларимиз учун қадрли бўлган шу қўлтуғ сана муносабати билан ҳар иккала газета ижодий жамоасига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов табрик йўллади. Ана шу самимий табрик журналда чоп этилган. "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталарининг бош муҳаррири Аб-босхон Усмонов ўзининг "Эркин фикрлар минбарини" номили мақолада шундай айтган:

Журнал йўқламаси бу гал "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталари журналистларига насиб этган. "Пойтахт ҳаётининг кузғуси" бош сарлавҳаси остида ҳар иккала газета муҳаррири А.А.Каримов, шунингдек журналистлар Ш.С.Екубов, Д.Исроилов, Ш.И.Комилжонов, Ш.Мухамедов, Н.Паняшина, О.Харченко, О.Мақсумовнинг мақолалари берилган.

Шунингдек журнал саҳифаларида "Жаҳон юз тутган "Жаҳон", "Сохибқирон сабоги", "Адолат" ёғдуси" ва бошқа бир-бирдан қизиқарли мақолалар ўрин олганки, уларни мутолаа қилиш жараёнида муштарий ҳамкасбларимизнинг қувончу ташвишлари, оруз-ўйларига шерик бўлади.

Нилуфар АБДУМАЖИДОВА

## Хабар

# КОНЦЕРТ-СПЕКТАКЛЬ

Бугун Муқимий номли мусикали драма театрида халқимиз қалбидан жой олган Ўзбекистон халқ артисти Ҳабиба Охунова хотирасига бағишланган концерт-спектакль бўлиб ўтади. Унинг ташкилотчиси ва бош режиссёри Аҳад Пармонов раҳбарлигидаги шоир, расом ва бир қатор ижодкорларнинг ўзига соҳа маҳорати театрга ташириб буюрган ҳар бир томошабинни ҳаяжонга солиши шубҳасиз.

Ўзбек мистоз қўшиқлари ихлосмандлари учун Ўзбекистон халқ артисти Камолиддин Раҳимов, Замира Суонова, Ўзбекистонда хизмат қўрсатган артистлар Маглуба Дадабоева, Зулайхо Бўйнонова, Насиба Сатторова, Мадина Мухторова, Маълуда Асалқужаева ва бошқа таниқли хонандалар, макомчилар ансамблининг иштирок этиши ажойиб тўхфадир. Энг муҳими, ани шундай хайрли санъат кечасига кириш бепул.

Бугина эмас, марҳума хотирасига бағишланган тадбирнинг даври 30 марта кун Наманган шаҳрида ўтказилади. Санъат ихлосмандларига маълумки, гуллар шаҳри бетакорор овоз соҳибасининг доимий ижодхонаси эди.

Абдуғани ЖУМАЕВ

## Тошқимок

# 1 АПРЕЛЬ

- Ўтда ёнмайди, сувда чўкмайди. (бойвачча)
- Қишин-ёзин бир хил кийимда. (тўли)
- Кўлсиз, оёқсиз эшик очар. (прокурор)
- Сувга тушса — битта, сувдан чиқса — мингта. (фаршбар)
- Икки ога-ини бир-бирини кўролмайди. (жанжалкаш ака-укалар)
- Ўзи битта, кўзи мингта. (раҳбар)
- Ўзи битта, қулоғи тўртта. (шпогар)
- Пиширсанг ош бўлур, пиширмасанг қуш бўлур. (ҳақиқаттааб режа)

Собиржон ТАЛАБА

## Мушоҳаза

# ЯНА УММАТ ЎЗБЕКОВНИГ ТИРИКЧИЛИГИ ХУСУСИДА

Ун йил илгари...

Бундан ҳамаси ўн йил нарида фарғоналик деҳқон Умнат Ўзбековнинг тирикчилиги хусусида мақола ёзган эдим. Агар адашмасам, ўшанда далада деҳқончилик қилишини (эмас) жамоа бўлиб ишлашдан ташқари яна ўрта усули маъжуд эди. Улардан бири гектарни. Ҳақиқатда одамлар гектарни худди "ёт унсу"га қарагандай қарашди. Сабаби, гектарчи қолхоздан маълум шартнома асосида гектаридан фалон тонна маҳсулот етказиб бераман, дея ер олиб, шартномадан ташқари етиштирган ҳосилини ўзига олиб қолар эди. Шу жойда қулоғингизга бир гапни ҳам иштилоб қўйишни зарур деб топдим: гектарчи шартномадан ташқари "ер эгаси"га — раисга пул беради. Хуллас, гектарчи нима қилиб бўлса ҳам олган еридан иложи борича кўпроқ маҳсулот етиштиришга интилар, муҳими, ерни чўнтагидан пул тўлаб олгани учун қаттиқ мөхнат қилар эди.

Деҳқончиликнинг бошқа бир усули эса оилавий пудрат эди. "Ўзбек тилининг изоҳли лугати"да "пудрат" ва "пудратчи" сўзлари шундай изоҳланади: "Бирор ишни маълум ҳақ эвазига батамом қўлдан чиқариб бериш учун зиммасига олинган мажбурий ва шу асосда бажариладиган ишининг ўзи... Пудратчи — пудрат асосида ишлайдиган киши ёки муассаса". Бошқача айтганда, ўша пайтда фарғоналик оилавий пудратчи Халимжон 18 гектар ерга силос ва дон учун мажбурий экиб, ҳар гектар ердан пландаги 39,8 центнер ўрнига 68,6 центнердан мажбурий дон, 548 центнер куруқ поя, 2550 центнер силос етишти-

ган эди. Бугун маҳсулот 20689 рублга сотилган. Бундан ташқари Халимжон пландан ортқича 8 тонна донни натуро сифатида ўзига олиб қолди.

Шу қолхознинг Умнат Ўзбеков бошлик оилавий пудратчилари 10 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 29,5 центнер ўрнига 35,8 центнердан пахта етиштиришган. План 121,4 фоиз бажарилган. Бугун маҳсулот 24133 сумга сотилган.

Деҳқончиликдаги ўзиничи усул эса ижара эди. Тошкент вилоятидаги "Ким Пен Ха" номидаги қўжалиқнинг ижара усулида ишлаётганига тахминан ўн беш йилдан бери. Бу қўжалиқ ҳозирда корпорацияга айланган. Корпорацияга қарашли ҳар бир тармоқ ижарага берилган. Масалан, ўша пайтлари ижарачи Геннадий Наку қолхоздан 40 гектар ерни ижарага олиб, бу майдонларга уруғ учун беда экарди. Бугун харажатлардан ташқари йилга 30 минг рубль фойда кўрар эди.

Шундай қилиб: Бундан ўн йил илгари гектарчи Қодиржон пландан ортган ҳосил эвазига тирикчилик қилар эди. Бир амал-лаб кунини ўтказарди. Ҳосил бўлиб берган йилни пичоғи мой кесади, бўлмаганда куруқ қон-чой.

Ерига дон эккан пудратчи Халимжонга эса харажатдан ташқари 8 минг рубль ва яна 8 тонна мажбурий донни фойда қолган. Доннинг қилоси ўша пайтда 2 рубль эканини ҳисобга олсак, олинган соф даромади 24 минг бўлади. Уни 10 кишига бўлсак, 2,4 минг сумдан тўғри келади.

Ерига пахта эккан пудратчи

Умнат Ўзбеков планни 121,4 фоизга бажарган. Жами даромади 24133 рубльни ташкил этади. Харажатлар учун 20 минг рубль сарфланган. Пудратчи 10 гектар ерда бугун оиласи билан пахта етиштириб, йил охирида 3241 рубль соф даромад олмақда. Бунга қўша парвариши пайтида олинган бунак пуллари қўшиб ҳисобланса 4000 рублга етади. Бу пулни оиладаги 10 кишига бўлинса, 400 рублдан тўғри. Демак, пахта эккан ҳар бир пудратчининг йиллик даромади 400 рубль бўлган эди.

Шу ерда қандай муҳаррирининг ҳам, мабодо мақола газета юзини кўргудек бўлса, газетхоннинг ҳам тоқати тоқ бўлади: "Ун йил наридаги гапнинг бизга нима кераги бор? Ҳақиқатда Умнат Ўзбековнинг тирикчилиги бугун қандай таянган?" — дея сўраши табиий. Жуда ўринли саволлар.

Президентнинг даъвати

Аввало, Умнат Ўзбековнинг ўн йил наридаги тирикчилигини эслаш хусусида. Биз бугун ўзимиз эришаётган муваффақиятларни бир умр бозор иқтисодиёти шароитида яшаб келган давлатларнинг ишлаб чиқариши билан қиёслашга ўрганиб қояемиз. Аммо бизнинг асосий боғлиқимиз эр, деҳқон. Шунинг учун ҳам мубайян бир ютук ҳақида гапирар эканмиз, ўша муваффақиятимизни қишлоқдаги деҳқонга, яилондаги қорводорга қай даражада енгиллик туғдириди, деган саволни ҳам ўзимизга бериб туришимиз лозим. Агар бу саволни ўзимиз бермасак, узагалардан эшитишимиз табиий. Масалан, дон ети-

тириш кейинги йилларда республикада бир неча бор қўлдади. Лекин шунга қарамай, қишлоқларга насиб қилмади, наватб турган одамларни қурасиз... Усимлик ёғи, совун, шакра каби маҳсулотлар ҳам ўта тақчил. Холбуки, донни ҳам, пахтани ҳам ўша деҳқоннинг ўзи яратяпти. Наҳот, ўзбекининг "бузи бөлбоққа ёлчимади" деган қадимий мақоли рўёбга айланмаса...

Ана шулар ҳақида ўйлар эканман, экингда Тошкентда бўлиб ўтган "Идорапараро мувофиқлаштирувчи кенгаш" мажлисида айтилган фикр ёғимга тушди. Мажлисида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади. Президентимиз ўз нутқида жумладан, нефть, конденсат ва газ қазиб чиқариш ҳажми уларни санаёт асосида қайта ишлаш суратларидан ортада қолётгани ҳақида мисол келтириб, бугун юртимизда демократик жараёнлар қандай кечаётгани, унинг ўсиш сурати, яқин келажада бизни бу борада қандай муаммолар қутаётгани, мөхлатга лаяқатли одамлар сонини қанчага қўлайиши, улар иш билан таъминланиши ҳақида ким нима дея олади, деган саволларга диққатни қаратди.

Жумладан, "Қишлоқ ҳўжалигида олиб борилаётган ишхотларни изчил давом эттириш ва унинг барқарор ривожланишини таъминлаш билан бундан ҳам гост муҳим масала бўлиб қолади. Қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш, ер ва сув ресурсларидан қишлоқ ва мутаносиб равишда фойдаланиш — бу борадаги фаолиятимизнинг асоси бўлимоғи даркор" дея таъкидлади Президент.

(Давоми 2-бетда)





Санъат

# БИЛЛУР КОСАЛАР, ЗУМРАД ДОНАЛАРИ...

“Оналар ва болалар йили”да санъаткор ўзбек аёлларининг истеъдоди, иродаси, ижодий жасорати ҳақида хикоя қилгил қелади.

Бирор мамлакатнинг аёлларини камситмаган ҳолда ўзбек қизи, ёри, онахони меҳнат, ижод, муталаани кўймадан хонадоннинг бекаси, болаларнинг онаси, ошиқ йигитнинг машуқаси сифатида ҳам обрў қозонганини айтиб ўтардик. Шу боис айниқса бу йил уларнинг оиладаги жасорати, ижтимоий ҳаётдаги ташаббускорлиги, ижоддаги сермахсулликга бағишланган очерклар, публицистик мақолалар, суҳбатлар, интервюлар кўп ҳафтанинг охирида ҳам, бола ҳам, уларнинг гамида юрадиган ота ҳам умидвор. Биз ҳам бу савоб ишдан четда қолмайлик дея мазкур мақолани қораладик. Муштарийга мазкур бундай мулоҳазаларни, суҳбатлар тафсилотларини газета саҳифасида келтиришни давом эттирамиз. Бугунги суҳбатдошимиз Лола Элтоева — саҳнада, катта ва кичик экранда ижрочилик истеъдодини намойиш этиб келаётган санъаткор, севили ёр. Фирдавс исми ширин болакайнинг волида меҳрибони.

— Лолаҳон, аёл санъаткорнинг ижоди эркакларникидан фарқ қилиши ҳақида ўйлангилми?

— Менинча, бу мавзуда жуда кизикarli бахслар, хатто анжуманлар ўтказиш зарур. Биргина режиссурани олинг: ҳис-ҳаёқонга бой, романтик кайфият устун турадиган кадрларни эсланг! Балъан эса “Йиллоки” кадрларга кўпроқ ўрин берилишини сеамгангилми? Иккита режиссёр аёли олайлик —

Ноила Отауллаева ҳамда Дилором Каримовани...


— Режиссуранинг мураккаблигидан кўрмасдан ишлаб келаётган биргина аёл билан ҳамкорликда ижод этдим — Дилором Каримова билан. Аёл қалбини билганлар, мени, қаҳрамоним Маликани эъзозлаганлари сабабли “Кўёшли ботмайдиган юрт” икки сериядан етти серияга айланди. Қаҳрамонлар, айниқса, кизалоқлар, аёллар образлари дуруст чиқди.

Менга “ундай қаранг, бундай юринг”, деб кўрсатма бермасдилар. Биз — икки аёл учинчи аёл — Малика ҳақида бирга ўйлардик. Ёри-биримизни дарҳол тушундик... Йиллоқликка келсак, мен қаҳрамоним йиллашини хоҳламаймани. Уни кўриб, ҳис этиб, дардига ишониб, ачинаиб кўзига ёш олган томошабинни кўргил қелади.

— “Утган кунлар” фильмидаги Зайнабингизни кўрган томошабин йилгасиз, қотилликка қўл урган аёлини оқлаб қўймайгилми?!

— Зайнаб образини соддалаштирмай таърифлашга интилдим. Унга бирёклама ёндашиш, Кумушнинг жаллоди сифатидагина кўрсатиш қийин эмас. Унинг характери ни очиб, муайян муҳит билан боғлиқ ҳолда талқин этиш, унинг ҳолига тушуниб етиш — бу жараён мураккаброк. Лекин кизикarli ҳам. Сиз биласиз — Кумуш ролинни эмас, Зайнабни танлаганман. Кумушнинг севадими, Зайнабнинг ҳолига кирдим.

— Роллар устиди ишлаш даврида турли мушоҳадалар ҳам пайдо бўлар,



каби роллари билан танилган Лола Элтоеванинг бу сўзларини эшитиб, Ўтган кунлар билан тўғрилишга умидворимиз. Хамидулла АКБАРОВ

Илҳом

# НАВРЎЗ ЯНА

Наврўз келди бу дунёнинг яшарди умри яна. Бул гўзал хушхабарни етказди қумри яна.

Озод юртим боғ-роғлари қайтадан обод яна. Неча йиллик азобларим бўлдилар барбод яна.

Бобом кўрган оғир кунлар афсона, достон яна. Асли чин бўстон эрди қайтадин бўстон яна.

Дўсту ёрлар қадрни юксак даврада омон яна. Лайлига етди Маҷнун кўкраги осмон яна.

Ёдга тушса қора кунлар кўзларда ёшлар яна. Энг буюк манзилларга Сорбоним бошлар яна.

Бурканибди гул-майсага ул сўлим боғлар яна. Офтоб ила айлар гурунг — юк солиб тоғлар яна.

Губор кетсин ҳар кўнгулдан қолмасин армон яна. Қайда бўлса омон бўлсин Яхши-ю ёмон яна.

Кўҳна дунё гулзоринда ўзлигим ўздек яна. Наврўзим деб яшнагайдир ёшариб ўзбек яна.

Исматулло ЙЎЛДОШЕВ, Самарқанд шаҳар прокуратураси шеър улҳодими

Шунчаки

# ХОРАЗМЛИК ИЖОДКОРЛАР ХОББИСИ

Уларнинг ишқибозликлари олдида гарбликлар йўлда қолиб кетади

Асосий иш фаолияти ва мутахассислигидан ташқари бирор нарса билан шуғулланишни Фарбад хобби дейишади. Агар Хоразм мисолида оладиган бўлсак, Фарбадаги “хобби” сўзини эшитмаган даврлардаям аждодларимиз бир неча соҳа билан шуғулланган. Пахлаван Махмуднинг полвон ва пустиндўз, Хива хони Абулғозиннинг тарихчи ва табиб, шоир ва таржимон Оғахийнинг мироб, яна Хива хони Ферузининг бастакор, созанда, Асфандиёрхоннинг эса шоир ва географ, тарихчи ва шоир Баённинг бўлса донги кетган табибчилик билан шуғуллангани яхши маълум.

Бугунги замондош хоразмлик иждоқорлар ҳам аждодлари каби бир неча иш билан машғул ёки бошқача айтганда, ўз “хобби”лари бор.

Шоир ва моҳир таржимон Матназар Абдулҳаким асли рус тили ва адабиёти ўқитувчиси. Шу билан бирга кураги ерга тегмаган полвон ҳисобланади.

Шоир, драматург Комил Аваз эса мутахассислигига кўра муҳандис, иктисод фанлари номзоди, 20 йилдан зиёроқ вилоятдаги пахта тозалаш заводларида ишлаган. Унинг “хобби”сига келсак, Комилжон ака моҳир созанда.

Курбон Муҳаммадризо эса кўпчилик шоир ва драматург сифатида билишади. Унинг асли мутахассислиги эса ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси. Шунингдек, Курбонбой ака бемалол спорт усталари билан беллаша оладиган сузувчи. Агар уни ёзда иш жойидан тополмасангиз, Урганчдаги Шовот каналидан изланг.

Тарихчи олим ва ёзувчи Жумабой Раҳимов бўлса самбо бўйича спорт устаси. Қолаверса, кимўзарга югурувчилардан ҳам ўзадиган чолқир спортчи.

Шоир Махмуд Ражаб эса мутахассислигига кўра мусиқа ўқитувчиси. Бирок Хоразмда тан олинган баллики. Қишқир-ёзин Қилич Нибобой номли каналда балик овлагани-овлаган. Балик овлада оёқ кийим ирилтиса устасга мурожаат қилишга ҳожат йўқ. Зеро, Махмуд ака бир йўла этикдўз ҳам. Яна ун тегиримониям ўзи бошқаради.

Шоир Махмуд Ражабнинг этикдўзлиги гурланик шоир Жуманазар Нурииматга ҳам юққан. У ҳам моҳир этикдўз. Бирок қолип топилсагина тикади. Қолип топиш учун эса Хоразму Қорақалпоғистон орасида сарсон-саргардон. Аввало оёқ кийимини ўзига тикади. Зеро, унинг оёғига лойик туфли поймазал фабрикасида тикилмайди-да.

Тарихчи ва журналист Қодир Муллаев эса ота касби темирчилик билан шуғулланиб туради.

Машҳур журналист Рўзимбой Хасан бўлса чорвадор, фермер хўжалигининг раҳбари.

Шоир ва таржимон Болтабой Бекметов мутахассислигига кўра зоотехник бўлиб, бир қанча вақт Шовотдаги фермада ишлаган.

Гуруланик шоир Турсунбой Каримов деҳқончилик ва чорвадорлик билан мунтазам шуғулланади. Қизиги, унинг ситиги хамиша эғизак бузоқ туғади.

Улақшунос Комил Нуржонов эса моҳир пазанда. Агар уйда келингоймлар йўқ бўлса болаларнинг кўнлиям, қорини тўқ, Зеро, энг ширин овқатни Комилжон ака пиширади-да.

Умидли шоирлардан Даврон Ражаб мутахассислигига кўра рессом. Мурод Иброҳим буюртма асосида ишловчи уста сифатида танилган.

Зоҳир Авазинг мутахассислиги эса фармацевт, шунингдек, моҳир баллики ва шолқор.

Журналист ва шоир Эрпўлат Бахт бўлса сувоқчилик қилиб туради, гишт ҳам қўйиб сотади.

Фантасг ёзувчи Шавкат Полвоновни уйдан тополмасангиз, бемалол бекатдан топишингиз мумкин. Зеро, у таксимдир.

Кўришиб турибдики, хоразмлик иждоқорлар худди аждодлари каби бир неча иш билан машғул. Яъни, уларнинг ўз “хобби”лари бор.

Умид БЕКМУХАММАД

Нўъмонжон МУХАММАДЖОНОВ фотоси



Ишаётган одамлар

# ҚАДДИНИ КЎТАРАЁТГАН МИРЗАОБОД

Одамзод аслида туپроқдан яраган. Унинг моддий эҳтиёжи ҳам, асосан, ана шу туپроқда етиштирилган махсулотлар эвазига қондирилади. Туپроқ одами боласининг эканини унутиб бергани учун ҳам унинг қорни тўқ, усти бут, турмуши фаровон. Бирок у хар доим ҳам сажий заманининг қадрига етмавермайди. Ердан олгани сайин янада кўпроқ олгиси келаверади. Сунъий йўл билан бўлса-да, унинг дорликни олиш оширмоқчи, мулроқ ҳосил етиштирмоқчи бўлади, бу йўлда турли захарли химикатларни ишга солишдан-да тоймайди. Ерга захар бериб, асал ундирмоққа уринади.

Кимёвий дориларнинг ҳаддан ошиқ даражада кўп ишлатилиши эса ернинг бор куч-қувватини сўриб олади. Сунъий ўғитларга буюқ болган туپроқ юзини шўр босиб, битта гиёҳ ҳам ўнмай-диган тақир ерга айланади. Оқибатда ернинг кучли шўрланиши аталмиш жиддий муаммо юзага келади.

Бугун Мирзаобод тумани аҳолисини қийнаётган асосий муаммолардан бири ҳам шу — туман худудиди ерлар шўрланишини бартараф қилиш бўлиб қолди. Кейинги йилларда туманда қишлоқ хўжалиги экинлари экиладиган 24004 гектар майдоннинг 2258 гектари ўта кучли шўрлангани, 9847 гектари ўртача шўрланган, 11135

гектари кучсиз шўрлангани қайд этилиши миқдорликларни жиддий ташвишга солиб қўйди.

Табиийки, Мирзаободда туپроқ шўрланиши бу даражада кескин ошиб кетишининг бош сабаби кимёвий дориларнинг узок вақт давомида меъёридан ошиқ қўлланганига бориб тақалади. Собик шўрлар тузуми даврида мўл ҳосил етиштиришининг бирдан-бир йўли туپроқни сунъий ўғитлар билан озиклантириш деб билган сохта миришқорлар ушбу туманда ҳам ўз ақидаларини оғшимай амалга оширишди. Ерни захарли химикатларга роса бугитириб, туپроқ унудорлигини оширишга, ҳосил етиштириш режасини ортиги билан урдлашга уринишди.

Дастлаб бу уринишлар бесамар кетмади. 1977, 1979, 1983, 1986, 1988, 1989, 1990 ва 1991 йилларда пахта тайёрлаш режаси ошиги билан бажарилди. Бирок сунъий ўғитлар ўз салбий таъсирини кўрсатмай қолмади. Борган сари ернинг қуввати йўқолиб, ҳосилдорлик кескин қамая бошлади. Туپроқнинг шўрланиши ҳосилдорликка ҳавф солиши муқаррар бўлиб қолди. Бундай пайтда шўрланиши бартараф қилишни бирдан-бир йўли мавжуд зовурларни зудлик билан тозалаш эди. Чунки тозаланган зовурлар

дий тараққийига ҳам жиддий пугур етди.

Туманда экинларнинг вегетация даврида сув етишмаслиги муаммоси ҳам қишлоқ хўжалиги тараққийини шу кунгача ортга суриб келди. М.Улғубек, Беруний, “Мустақилликнинг 5 йиллиги” хўжалиқларидаги 4600 гектар майдон К-1 канали орқали суғорилиши мўлжалланган бўлиб, маълум вақтгача 700 гектар майдонга умуман сув етиб бормади. Бу эса ўша хўжалиқлар иктисодига ўз салбий муҳрини босди.

“Ташкент”, “Мирзаҷўл”, “Дўстлик”, “Мустақиллик” деҳқон-фермер хўжалиқлари ерлари К-3 канали орқали суғорилади. Бу каналнинг 24,6 км туман худудидан ўтиб, шундан 12 км бетонлаштирилган эди, каналнинг охириги қисмига сув етиб бормайди, бундан ташқари, К-3 канали 8 куб ҳажмдаги сув олишга мўлжалланган бўлса-да, айрим жойларнинг емирилиши ҳисобига анча вақтгача 4,5—5 куб дан ошиқ сув олиш имкони бўлмади. Шунинг эвазига юқоридаги хўжалиқлардан 1100 гектар майдондаги экинлар узок вақт сув етиб бормаганидан жойида қовжириб қолди.

Туманда 5000 гектардан ортироқ экин майдонининг насослар ёрдамида суғорили-

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

“Ўзбекистон матбуоти” журнали республикамиз вилоятларида чакана савдога чиқарилмайди, аммо сизнинг хонадонингизга кириб бериши учун хали имконият етарли. Сиз 30 июнга қадар журнализмизга обунани расмийлаштирсангиз, йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб “Ўзбекистон матбуоти”нинг ўзи эшигингизни қоқиб боравереди.

Обуна барча алоқа бўлимларида чекланмаган миқдорда қабул қилинмоқда.

“Ўзбекистон матбуоти”га обуна бўлсангиз, асло ютказмайсиз!

**Журнал индекси — 883.**

Қўшимча маълумот учун қуйидаги телефонга мурожаат қилишингиз мумкин: 144-32-14

ЧФ “Транс-металл” зарегирированная в Сергелийском районе г.Ташкента. Код по ОКПО 172-98-270 логотипируется. Претензия принимаются в течение одного месяца по адресу г. Ташкент Сергелийский р-н, ул. Заречная 2-й тулик д. 1 тел: 57-11-26.

Убайдулла ХУЖАНИЕЗОВ, “Хуррият” мухбири